

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АТАБЕКОВА КАМОЛА ГАЙРАТОВНА

**КАРАТЭЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.04 – Тиббий ва махсус психология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Атабекова Камола Гайратовна

Каратэчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг
психологик детерминантлари..... 3

Атабекова Камола Гайратовна

Психологические детерминанты готовности
каратистов к соревнованиям..... 21

Atabekova Kamola Gayratovna

Psychological determinants of karatists'
readiness for competition..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АТАБЕКОВА КАМОЛА ГАЙРАТОВНА

**КАРАТЭЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.04 – Тиббий ва махсус психология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/P92 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туляганова Гульчехра Кучкаровна
психология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Баратов Шариф Рамазонович
психология фанлари доктори, профессор

Арзикулов Дилшод Неъматович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Садиков

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

А.Б. Солиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
биология фанлари доктори, к.и.х.

А.А. Хаджиметов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида замонавий спорт маданиятининг бир қисми бўлиб, инсонларнинг ўз индивидуал (шахсий) салоҳиятини рўёбга чиқарадиган ва ривожлантирадиган фаолият турларидан бирига айланди. Тўғри ташкиллаштирилган спорт юксак марраларга эришишга, фавқулодда малакавий даражага, юқори меҳнат қобилиятига ва айни пайтда саломатлик, фаровонлик ва шикастланишдан сақланишга аниқ, мақсадли йўналганлиги билан характерланади. Спортчиларни мусобақаларга психологик тайёрлаш муаммолари бутун дунёда кенг мунозараларга сабаб бўлмоқда. Олимпия ҳаракатининг асосчиси Пьер де Кубертен таъкидлаганидек, «...тенг кучли рақиблар курашида психология (руҳият) ғолиб бўлади. Спортчи жисмоний жиҳатдан идеал даражада тайёрланган бўлиши мумкин, лекин агар у «ғалаба кайфияти»да бўлмаса, ҳаётидаги энг муҳим нарсани бой бериб қўяди...»¹. Айнан мана шу масала, яъни «психологик тайергарлик»ни шакллантириш спортчининг мусобақалардаги салоҳиятини тўлиқ очишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг психологик детерминантлари ва уларнинг жисмоний салоҳиятини аниқлашга қаратилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада илмий асосланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса жисмоний чидамлилиқни ошириш усуллари қўллаш, спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, профессионал спортчиларнинг жисмоний имкониятларини яхшилаш, уларни мусобақаларга психологик жиҳатдан тайёрлаш усуллари ишлаб чиқиш ва машқлар жараёнига татбиқ этиш, спортчиларда стартолди ҳолатини тартибга солиш кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни ўз ичига олган ва пировард натижада уларнинг спорт натижаларини янги поғоналарга кўтаришни таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилишига тўртки бўлмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада замонавий спорт тиббиётини, айниқса юқори малакали спортчиларнинг функционал ва руҳий ҳолатини баҳолаш йўналишида «...жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ва самарали тиббий

¹ Кубертен, Пьер де // Буюк Олимпия энциклопедияси: 2 т. / Муаллиф- В. Л. Штейнбах. — М.: Олимпия Пресс, 2006.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тиклашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон психологиясида кўплаб хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари спортчиларнинг стартолди ҳолатини бошқаришнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини ўрганишга бағишланган (Csikszentmihalyi, Hanin Y.L., Hardy L.S., Jackson A., Podrigalo L.V., C. Robazza, L. Bortoli, V. Nougier). Таклиф қилинаётган тушунчаларнинг муаллифлари учун муштарак фикр шуки, бу тушунчалар остида муқобил эмоционал (ҳиссий) кўзғалиш даражасига эга бўлган муайян муқобил стартолди ҳолати назарда тутилиб, бу ҳолатнинг моҳият нуқтаи назаридан тавсифлари турли ёндашувларда фарқли бўлади.

А.Н. Леонтьев, Б.Ф. Ломов, В.Н. Мясищев, С.Л. Рубинштейн, Б.М. Теплов каби хорижий давлатлар олимлари томонидан асослаб берилган детерминизм, тараққиёт, онг ва фаолият бирлиги ва тизимлиликнинг умумметодологик тамойиллари ишлаб чиқарилган. Спорт психологиясининг асосий қоидалари (А.Л. Дукка; Б.Дж. Кретти; Ю.Ю. Палайма; А.Ц. Пуни; А.В. Родионов), спорт мотивацияси концепцияси (Р.Дж. Валлеранд) ҳамда спорт фаолиятида кадрият йўналишлари концепцияси (Б.Р. Браун, М.Д. Вейсман, С. Купербуша, Д. Матсумо К. Престона) тадқиқотнинг бевосита назарий-услубий базаси вазифасини ўтайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакати олимлари томонидан спорт психологияси фанининг методологик асоси ва назарий базаси сифатида жисмоний тарбия ва спорт машқлари назарияси ва методикасининг асосий қоидаларидан (Б.А. Ашмарин, В.К. Бальсевич, Ю.В. Верхошанский, В.М. Дьячков, В.М. Зациорский, Л.П. Матвеев, В.П. Филин, Н.А. Фомин, Ж.К. Холодов, Б.М. Шиян ва б.), функционал тизимлар, шартли-рефлектор алоқалар ва психологик ҳолатлар назариясидан (П.К. Анохин, А.В. Алексеев, Б.А. Вяткин, Л.Д. Гиссен, Е.П. Ильин, И.П. Павлов,

А.Ц. Пуни, Н. Selye ва б.) ҳамда спортда ўз-ўзини психологик тартибга солиш назариясидан (А.В. Алексеев, Л.Д. Гиссен, В.Р. Малкин, Н.А. Худадодов, О.А. Черникова, И.Г. Шульц, G. Paul ва б.) фойдаланилди.

Мамлакатимиз олимларидан З.Ғ. Ғаппоров ўқув машғулотида ва машқлар жараёнида спортчиларнинг ёши, жинси ва спорт турига қараб портловчи ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиққан. Э.Ғ. Гозиев, А.С. Бегматов, Г.Б.Шоумаров, М. Маматов, Р.З. Гайнутдинов, Г.Б. Кодиров, Д.Н. Арзикулов, Д.Ғ. Мухамедова, В.М. Каримова, Б.М. Умаров ва бошқалар ҳам спорт психологиясида шахснинг ривожланишини ҳар томонлама (атрофлича) ўрганишган. Ундан ташқари, Ш.Р. Баратов томонидан спортчиларда казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатни коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, у асосида футбол академиялари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спортчиларининг казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатини коррекциялашга мўлжалланган методик аппарат тизимлаштирилган

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказининг ПЗ-2017092991 «Дерматоглификага асосланган генетик белгилар бўйича истиқболли спортчиларни танлов методларини такомиллаштириш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади каратэчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг психологик детерминантларини аниқлаш ва улар асосида профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каратэчиларнинг мусобақаларга тайёрлигининг психологик детерминантларини аниқлаш;

турли малакага эга бўлган каратэчиларнинг мусобақа шароитларидаги стартолди феъл-атворида оид ҳолатларни аниқлаш;

мусобақаларга тайергарликни психологик коррекциялашни эмпирик даражада аниқлаш;

юқори малакали каратэчилар учун мусобақага тайергарлик даражасини психологик коррекциялаш ва ривожлантирувчи таъсир кўрсатишни такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва тажриба жиҳатидан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республиканинг барча вилоятлари ҳудудида яшовчи 19 ёшдан 30 ёшгача бўлган 145 нафар спорт усталигига ва 40 нафар халқаро спорт усталигига номзодлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида каратэчиларнинг мусобақаларга тайёрлигининг психологик детерминантлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун, спортчиларнинг “стартолди” ҳолатини аниқлаш ҳамда баҳолаш учун, эмпирик, (педагогик кузатув, экспресс-диагностик усуллар, сўров, тестлар, тажрибавий ишлар) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор спорт усталигига номзод каратэчиларнинг «стартолди ҳолати»да мусобақа мотивацияси (спортчининг ғалабага ҳаддан ташқари ишониши) қанчалик юқори бўлса уларнинг мусобақадаги реакция тезлиги шунчалик паст, уларнинг ножўя таъсирларга (ноҳолис ҳакамлик, рақибнинг ножўя ҳаракатлари, мусобақанинг муваффақиятсиз бошланиши, гуруҳдош дўстларнинг мағлубияти ва ҳоказолар) бардошлилиги юқори бўлганда эса мусобақадаги реакция тезлиги ҳам юқори бўлиши исботланган;

спорт усталигига номзод каратэчиларда ўз эмоционал (ҳис-туйғулари ва фикрлари) ҳолатини баҳолаш хусусияти ривожланган бўлса диққат-эътиборининг сусайиши туфайли мусобақа даврида кўзланган спорт натижаларга эришиш даражаси паст бўлиши аниқланган.

каратэчи спортчининг шахсий безовталиги ва хавотирлилиги қанчалик юқори бўлса кучни бир жойга тўплаб кутилаётган натижага эришиш хисси ортиши туфайли унинг мусобақалардаги қатъияти шунчалик юқори бўлиши асосланган.

каратэчи спортчининг жисмоний (тана-фёъл) компоненти, яъни мушак ҳислари қанчалик ривожланганлик даражаси жисмоний имкониятларни тўғри баҳолаш ва ундан самарадор фойдаланиш хисси устуворлиги таъминлангиллиги туфайли унинг мусобақаларадаи қатъиятини ортишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спортчиларда «мусобақаолди қалтироғи», «мусобақаолди апатияси», ташвишланиш, эмоционал асабийлашиш каби ҳолатларнинг олдини оладиган психокоррекцион усулларни қўллаш орқали спортчиларга оптимал жанговар ҳолатга эришишга ёрдам берадиган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг бир қатор психологик компонентларига ижобий таъсир қиладиган аутоген машқлар, идеомотор машқлар, «оптимал жанговар ҳолат»га киришиш учун вербал гипносуггестив таъсир ўтказиш каби психокоррекцион усуллар дастури ишлаб чиқилган;

спортчиларнинг миллий ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақият қозониш имкониятларини оширадиган ҳамда «стартолди ҳолати»ни яхшилашга имкон берадиган психологик кўмак мажмуасига психокоррекцион аралашувларнинг киритилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, спортчилар сонининг етарли эканлиги, олинган маълумотларга статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги ва чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти каратэчиларда мусобақаларга

тайёргарликнинг психологик детерминантларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратиши, спорт усталигига номзод қаратэчиларнинг мусобақа фаолиятида «стартолди ҳолати»ни ривожлантиришнинг даражалари, спортчиларнинг диққат-этибори билан когнитив компонент ўртасида салбий корреляциянинг мавжудлиги, шахсий безовталиқ билан мусобақа мотивацияси ўртасидаги узвий боғлиқлик спортчилар рухий ва функционал ҳолатларининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти спортчиларда «мусобақаолди қалтироғи», «мусобақаолди апатияси», ташвишланиш, эмоционал асабийлашиш каби ҳолатларнинг олдини оладиган психокоррекцион усулларни ишлаб чиқилганлиги ҳамда «стартолди ҳолати»ни яхшилашга имкон берадиган психологик кўмак мажмуасига психокоррекцион аралашувларнинг киритилиши уларда оптимал жанговар ҳолатни ушлаб туриш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қаратэчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг психологик детерминантлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

спортчиларнинг рухий саломатлигини оптималлаштириш ва шу орқали уларни миллий ва халқаро мусобақаларда муваффақият қозониш имкониятларини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида спортчилар, мураббийлар ва спортга жалб этилган болалар ва ўсмирлар учун ишлаб чиқилган «Спортда психокоррекция» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (ТДПУ ҳузуридаги Психология илмий-услубий марказининг 2020 йил 19 августдаги 8-сон маълумотномаси). Натижада спортчиларнинг функционал ҳолатини баҳолашда психологик детерминантларни аниқлаш, психологик коррекциялаш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатиш ҳамда уларни мусобақаларга тайёргарлигини ошириш имконини берган;

спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг психологик детерминантларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида жисмоний тарбия ва спорт тизимига, жумладан, Стол тенниси ва WTF Таэквондо федерациялари спорт шифокорлари ва мураббийлари амалиётига жорий этиш учун «Мамлакатда ижтимоий соғлом муҳитни яратиш, ёшларни тарбиялашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, маънавий тараққиётни психологик қўллаб-қувватлаш ва услубий кўмакни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини шакллантириш» номли режа тасдиқланган (ТДПУ ҳузуридаги Психология илмий-услубий марказининг 2020 йил 19 августдаги 8-сон маълумотномаси). Натижада спортчиларнинг экстремал шароитларда (мусобақаларда) натижавий самарадорлиги, ҳамда уларнинг психологик саломатлигини сақлаш, жисмоний иш қобилиятини ошириш ҳамда юқори спорт кўрсаткичларига эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 6 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фаолиятга психологик тайергарлик муаммосини ўрганишнинг назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига оид минтақавий ва халқаро миқёсдаги илмий тадқиқотларнинг назарий асослари батафсил таҳлил қилинган, «психологик тайергарлик» тушунчасининг таърифи аниқлаштирилган. Бу бобдан спортчиларнинг психологик хусусиятларининг замонавий жиҳатларига оид илмий маълумотларга бағишланган тўрт параграфдан иборат адабиётлар шарҳи ҳам ўрин олган. Спортчининг муваффақиятга эришиш сабабларидан бири мусобақаларда унинг салоҳияти тўлиқ очилиши, шунингдек, стрессга юқори даражада бардошлилик ҳамда ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятидир.

Сўнгги пайтларда психологик-педагогик муаммоларнинг тадқиқотчилари спортчиларнинг турли хил психологик ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилишга, шунингдек, спорт фаолиятини амалга ошириш давомидаги эмоционал ҳолатларни тартибга солишга қаратилган вазифаларга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда (А.В. Алексеев, В.Н. Васильев, Б.А. Вяткин, Л.Д. Гиссен, В.Р. Малкин, В.Н. Платонов, А.Ц Пуни ва б.).

Илмий ишларнинг катта қисми психологик зўриқиш ёки стресс ҳолатини ўрганишга бағишланган. Бу ўринда тайергарлик деганда стрессга бардошлилик (толерантлик) назарда тутилади. И.Б.Зильберман бу ҳолатни (эмоционал барқарорликни) шахсдаги «эмоционал, иродавий, интеллектуал ва мотивацион компонентларнинг мураккаб эмотив вазиятда фаолиятнинг мақсадига муваффақиятли эришишни таъминловчи ўзаро таъсирлашуви билан характерланадиган» интегратив хусусият деб талқин қилади.

Диссертациянинг «**Каратэчиларнинг мусобақага тайёрлигининг психологик детерминантларини тадқиқ этишининг методологик жиҳатлари**» деб номланган иккинчи боби спортни ўрганиш ишини методологик жиҳатдан тартибга солишга ҳамда бу мураккаб ижтимоий ҳодиса бошқарувини оптималлаштиришга уринишдан иборат. Бу бобда биз тадқиқотнинг материаллари ва методикаларини тавсифлаб ўтганмиз. Ўйлаймизки, бунга эришиш спортни ўрганиш билан банд бўлганлар риоя қилиши керак бўлган асосий қоидаларни очиқ беришни осонлаштиради. Тадқиқотнинг объекти 19 дан 27 ёшгача бўлган 195 нафар каратэчи бўлиб, улардан 145 нафари спорт усталагига номзоди, 40 нафари халқаро спорт устасидир (2019–2020).

Тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқич – мусобақаларга психологик тайергарлик, яъни каратэчи спортчиларнинг «стартолди ҳолати» омилларини тажрибавий-психологик нуктаи назардан ўрганишдан иборат. Иккинчи босқич – халқаро спорт усталари ўртасида психокоррекцион чоралар ёрдамида тажрибавий тадқиқот ўтказишдан иборат. Бу босқичда қуйидаги психокоррекцион усуллар ўтказилди: дунёқарашни шакллантириш, аутоген машқлар, идеомотор психотехника, оптимал жанговар ҳолат (ОЖХ) ҳамда вербал гипносуггестив таъсир кўрсатиш.

Бир қатор методикалардан сўнг маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистик усулларидан фойдаланилди. Олинган маълумотлар SPSS 14.00 for Windows ва MS Excel компьютер дастурлари ёрдамида статистик таҳлилдан ўтказилди. Ҳосил қилинган натижаларнинг ишончилиги тадқиқотда корреляцион (Спирмен бўйича корреляция коэффициенти, Студент t мезони) ва факторли таҳлил, Манн-Уитни ва Пирсон мезонлари ҳамда тавсифий статистика усуллари каби математик статистика усулларидан фойдаланиш ҳисобига таъминланди.

Диссертациянинг «**Каратэчиларнинг мусобақа тайёргарлигининг психологик детерминантларини тадқиқот қилиш натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган, спортчиларнинг муҳим мусобақаларга тайёрлигининг психологик детерминантларини аниқлашга қаратилган методларнинг тавсифий статистикаси келтирилган.

Спорт усталигига номзодлари бўлган 145 нафар каратэчилар ўртасида турли кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар мавжудлиги аниқланган. Психологик тайергарлик таркибига қуйидагилар кириди: мотивацион компонентлар, интеллектуал компонентлар, коммуникатив компонентлар, спортдаги натижадорликни белгиловчи эмоционал ва иродавий компонентлар, истикболли ва босқичли мақсадга йўналганлик, муваффақият қозонишга бўлган ишонч, ижровий функцияларни сафарбар қилиш кўрсаткичлари, шахсий сифатларнинг субъектив-психологик характеристикалари, спорт фаолиятидаги экстремал вазиятларда психологик ҳолатларни тартибга солиш қобилияти, техник-тактик маҳоратнинг психологик кўрсаткичлари. Каратэчиларнинг спорт фаолиятидаги ўз-ўзига

берган баҳосига мутаносиб спорт-мусобақа мотивацияси юқори психологик тайергарликнинг интеграл характеристикасидир. Биз фойдаланган методлар батареяси каратэчи спортчиларнинг «стартолди ҳолати»ни аниқ ўрганиш мақсадида мусобақалардан бир кун олдин ўтказилди.

Респондентлар сифатида Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан (Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан) келган БЎСМ спортчилари иштирок этдилар.

Тадқиқот Миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида, шунингдек, WKF Каратэ миллий федерациясида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Мусобақаларга тайергарликнинг психологик детерминантларининг корреляцион таҳлили натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида спортчиларнинг мусобақаларга психологик тайёрлигининг методикалари ва компонентлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар таҳлил қилинган.

1-жадвал

Каратэчилар когнитив компонентларининг корреляцион таҳлили натижалари

Методикалар	Реакция тезлиги
Мусобақа фаолияти мотивациясининг диагностикаси (Г.Д. Бабушкин).	-,350(**)
«Спортчининг чалғитувчи омилларга бардошлилиги» (Г.Д. Бабушкин, Ю.В. Яковых)	,230(**)
Стартолди ҳолати юзасидан ўз ўзини баҳолаш (И.П. Волков) Жисмоний компонент	,032
Стартолди ҳолати юзасидан ўз ўзини баҳолаш (И.П. Волков) Эмоционал компонент	,161
Стартолди ҳолати юзасидан ўз ўзини баҳолаш (И.П. Волков) Когнитив компонент	,215(**)

Изоҳ: * – статистик жиҳатдан муҳим тафовутлар.

Респондентларнинг когнитив компонентларининг корреляцион таҳлили натижалари ушбу жадвалда келтирилган. Спортчиларда мусобақа фаолиятининг мотивацияси билан реакция тезлиги ўртасида манфий корреляция мавжуд: мусобақа мотивацияси қанча юқори бўлса, спортчининг мусобақалардаги реакция тезлиги шунчалик паст бўлади (1-жадвал).

Спортчиларда мусобақа фаолиятининг мотивацияси билан реакция тезлиги ўртасида манфий корреляция мавжуд: мусобақа мотивацияси қанча юқори бўлса, спортчининг мусобақалардаги реакция тезлиги шунчалик паст бўлади. Спортчи ғалабага ҳаддан ташқари интилган бўлса, унинг реакцияси пасайиб кетади, натижада муҳим мусобақаларда ҳушёрликни йўқотади.

Спортчининг тақдирини саноқли лаҳзалар ҳал қилади. Демак, мураббий ва спорт психологларининг вазифаси – спортчиларда мусобақа давомида ўрта-меъёрий мотивацияни сақлаб туришдан иборат.

Ушбу жадвалда мусобақаларда спортчининг чалғитувчи омилларга бардошлилиги билан реакция тезлиги ўртасида мусбат корреляция борлигини кўриш мумкин (1-жадвал). Чалғитувчи омилларга бардош бера олиш спортчи учун жуда муҳим бўлиб, унда ўз-ўзини қўлга ола билиш даражаси юқори эканини билдиради. Бундай спортчилар мусобақа пайтида чалғитувчи салбий таъсирларга дуч келса ҳам, ўз-ўзини қўлга олиб, хатти-ҳаракатларини назорат остида ушлаб туради олади (чалғитувчи омилларга ҳакамнинг ноҳолислиги, рақибларнинг ножўя ҳаракатлари, мусобақанинг муваффақиятсиз бошланиши, жамоадошларнинг мағлубияти ва ҳоказолар кириши мумкин), энг муҳими – кўнгилсизликлар унинг натижаларига таъсир кўрсатмайди. Демак, бундай спортчиларнинг реакция тезлиги жуда яхши бўлади.

Қайд этиш лозимки, бир неча методикаларни таҳлил қилганда когнитив компонент билан спортчиларнинг реакция тезлиги ўртасида ҳам мусбат корреляция мавжудлиги кузатилди. Маълумки, когнитив компонент спортчининг фикрлаш йўналишини тавсифлайди, бунда спортчи ўзининг сезгиларини, ҳис-туйғулари ва фикрларини чуқур таҳлил қила олади. Спортчи ўзининг эмоционал ҳолатини қанчалик яхши ва тўғри баҳолай олса, унинг мусобақалардаги реакция тезлиги шунчалик юқори бўлади.

Бир неча методларни қиёсий таҳлил қилиш мобайнида айтиш мумкинки, спортчиларнинг диққати билан уларнинг қатъияти ўртасида манфий корреляция кузатилади. Бинобарин, агар мусобақада спортчининг ўзига ишончи ҳаддан ташқари юқори бўлса, унинг диққати пасайиб кетади. Табиийки, унинг мусобақалардаги натижалари ҳам салбий бўлади. Шу боис спортчи «ўзининг кучига ортиқча ишониб юбормаслиги», балки мусобақаларда ўзининг оптимал қатъиятини сақлаб қолишига эътибор беришимиз лозим (2-жадвал).

2-жадвал

Қаратэчиларда когнитив компонентнинг корреляцион таҳлили натижалари

Методикалар	Диққат (Ландольт коррекцион синови)
Иродавий сифатлар диагностикаси. «Курашчининг қатъияти» (А.Н. Мартыненко)	-,222(**)
Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш (И.П. Волков) Жисмоний компонент	-,096
Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш (И.П. Волков) Эмоционал компонент	,000
Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш (И.П. Волков) Когнитив компонент	-,176(*)

Изоҳ: * статистик жиҳатдан муҳим тафовутлар

Афсуски, тадқиқотнинг таҳлили давомида маълум бўлишича, спортчиларнинг диққати билан улардаги когнитив компонент ўртасида ҳам манфий корреляция мавжудлиги аниқланди, яъни спортчиларда ўзининг эмоционал ҳолатини баҳолаш қанчалик юксак ривожланган бўлса, унинг диққати шунчалик паст бўлади. Ушбу 3-жадвалдан кўришиб турибдики, спортчининг шахсий хавотири билан мусобақа фаолиятида мотивация ўртасида мусбат корреляция мавжуд экан. Кўпчилик мураббийлар ва спорт психологлари мусобақалар пайтида шахсий хавотирни бартараф қилишга интилишади, бироқ тадқиқотимизда бунинг тескараси маълум бўлмақда. Натижаларга кўра, шахсий хавотир қанчалик юқори бўлса, спортчиларнинг мусобақалардаги қатъияти шунчалик юқори ривожланган бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Мотивацион компонентнинг корреляцион таҳлили натижалари

Методикалар	Мусобақа фаолияти мотивациясининг диагностикаси (Г.Д. Бабушкин)
Хавотирлик даражасининг ҳолатини аниқлаш (Ч.Д. Спилбергер, Ю.Л. Ханин). Шахсий хавотирлик	,192(*)
Хавотирлик даражасининг ҳолатини аниқлаш. (Ч.Д. Спилбергер, Ю.Л. Ханин). Ситуатив хавотирлик	-,017

Изоҳ: * статистик жиҳатдан муҳим тафовутлар

4-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турганидек, спортчининг қатъияти билан унинг диққати ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик бор.

4-жадвал

Эмоционал-иродавий компонентнинг корреляцион таҳлили натижалари

Методикалар	«Қатъиятли курашчи»нинг иродавий сифатлари диагностикаси (А.Н. Мартыненко)
Диққат (Ландольтнинг корректура синови)	-,222(**)
Спортчининг психологик ишончилигини ўрганиш (В.Э. Мильман, В.Л. Марищук)	,203(*)
Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш (И.П. Волков) Жисмоний компонент	,177(*)
Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш (И.П. Волков) Эмоционал компонент	-,018

Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш (И.П. Волков) Когнитив компонент	,094
--	------

Изоҳ: * статистик жиҳатдан муҳим тафовутлар

Кейинги текширув методи – психик барқарорлик бўлиб, у билан спортчининг қатъияти ўртасида мусбат корреляция кузатилади. Психик барқарорлик деганда мураккаб мусобақа шароитларида асосий психологик механизмларнинг фаолият барқарорлиги тушунилади. Психологик бардошлилик мусобақавий эмоционал бардошлилик, ўз-ўзини тартибга солиш, мотивацион-энергетик компонент, барқарорлик ва чалғитувчи таъсирларга чидамлик каби бир неча таркибий қисмлардан ташкил топган (4-жадвал). Психик бардошлиликнинг ҳар бир компоненти типик кўрсаткичлар тўплами билан характерланади. Бу сифатлари қанчалик юқори бўлса, спортчининг қатъияти, ирода кучи шунчалик ривожланган бўлади.

4-жадвалдан кўришиб турибдики, жисмоний компонент билан спортчининг қатъияти ўртасида мусбат корреляция бор. Жисмоний компонент (жисмий-фезлий) спортчининг ҳаракат фаоллигини ҳамда мушаклар сезгисини характерлайди. Демак, спортчининг мушак сезгилари қанчалик ривожланган бўлса, унинг мусобақалардаги қатъияти шунчалик юқори бўлади.

Диссертациянинг «**Психокоррекция ёрдам воситасида қаратэчи спортчиларнинг «стартолди ҳолати»ни оптималлаштириш**» деб номланган бешинчи бобида 40 нафар халқаро спорт мастерлари ўртасида ўз тажрибамизни ташкил қилдик. Тажрибада бир қатор психокоррекция чораларни танлаб олиб, уларни спортчиларда синаб кўрдик.

Психокоррекция жамоавий шаклда, ёпиқ табиий муҳитда бир ойдан кўпроқ муддат мобайнида ўтказилди.

Қуйида олинган маълумотларни қиёслаш натижасида «олдинги ва кейинги» натижаларга эга бўлган психокоррекция маълумотларга оид хулосаларни келтириб ўтаемиз. Тажрибада қуйидаги психокоррекция усуллардан фойдаланилди:

1. Дунёқарашни шакллантириш;
2. Аутоген машқлар;
3. Идеомотор машқлар;
4. Вербал гипносуггестив таъсир кўрсатиш
5. «Оптимал жанговар ҳолат».

Қаратэчилардаги когнитив компонентнинг психокоррекциядан «олдинги ва кейинги» натижалари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (5-жадвал). 5-жадвалдан кўришиб турибдики, психокоррекциядан кейин реакция тезлигига оид кўрсаткичлар қиймати кўтарилди.

Дисперсион таҳлилда натижаларнинг ишончлилиқ даражаси аниқланди:
($F=-2,623$; $p<0,001$).

5-жадвал

Каратэчилардаги когнитив компонентнинг психокоррекциядан «олдинги ва кейинги» натижалари

	Ўртача қиймат	N	Стандарт оғиш	Студент t мезони	Ишончлилиқ даражаси
Коррекциядан олдинги реакция тезлиги	2,4250	40	,50064	-2,623	,012
Коррекциядан кейинги реакция тезлиги	2,5750	40	,50064		
Коррекциядан олдинги диққат	74,3250	40	18,93767	-2,155	,037
Коррекциядан кейинги диққат	77,3750	40	16,33415		

Жадвалда яққол кўришиб турганидек, «Диққат (Ландольтнинг корректура синови)» услуги бўйича психокоррекциядан кейин спортчиларнинг диққати, хушёрлиги сезиларли даражада ўсишга эришилган.

Дисперсион таҳлилда (5-жадвал) натижаларнинг ишончлилиқ даражаси аниқланди:

($F=-2,155$; $p<0,001$).

6-жадвал

Мотивацион компонентнинг психокоррекцияга оид натижалари

	Ўртача қиймат	N	Стандарт оғиш	Студент t мезони	Ишончлилиқ даражаси
Коррекциядан олдинги мусобақа мотивацияси	8,8500	40	1,00128	-2,082	,044
Коррекциядан кейинги мусобақа мотивацияси	9,0500	40	1,01147		

«Мусобақа фаолиятидаги мотивациянинг диагностикаси» (Г.Д. Бабушкин) услуги бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, психокоррекциядан кейин каратэчи спортчиларнинг мотивацияси кучайган. Мотивацион компонентнинг психокоррекцияга оид натижалари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

Дисперсион таҳлилда (6-жадвал) натижаларнинг ишончлилиқ даражаси аниқланди:

($F=-2,082$; $p<0,001$).

«Иродавий сифатлар диагностикаси» ва «Курашчининг қатъияти» (Г.Д.Бабушкин) услуги бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари психокоррекциядан кейин каратэчи спортчиларнинг иродавий сифатлари кучайганини кўрсатди (7-жадвал).

Дисперсион таҳлилда натижаларнинг ишончлилик даражаси аниқланди (7-жадвал):

$$(F= -4,168; p<0,001).$$

7-жадвал

Эмоционал-иродавий компонентнинг психокоррекцияга оид натижалари

	Ўртача қиймат	N	Стандарт оғиш	Студент t мезони	Ишончлилик даражаси
Коррециядан олдинги иродавий сифатлар	101,8500	40	14,43385	-4,168	,000
Коррециядан кейинги иродавий сифатлар	110,1750	40	15,70054		

Қуйидаги жадвалда «Мураббий билан спортчи ўртасидаги муносабатлар» (Ю.Ханин, А.Стамбулов) тадқиқоти бўйича олинган маълумотлар берилган бўлиб, психокоррекциядан кейин мураббий билан спортчи ўртасидаги коммуникация сезиларли даражада кучайгани кўриниб турибди (8-жадвал).

Дисперсион таҳлилда натижаларнинг ишончлилик даражаси аниқланди:

$$(F= 5,285; p<0,001).$$

8-жадвал

Коммуникатив компонентнинг психокоррекциядан «олдинги ва кейинги» натижалари

	Ўртача қиймат	N	Стандарт оғиш	Студент t мезони	Ишончлилик даражаси
Коррекциядан олдинги коммуникация	15,5250	40	2,92634	-5,285	,000
Коррекциядан кейинги коммуникация	19,9750	40	4,73659		

Қуйидаги 9-жадвалда «Спортчининг чалғитувчи таъсирларга бардошлилиги» (Г.Д. Бабушкин, Ю.В. Яковых) методи бўйича ўтказилган психокоррекция натижалари келтирилган. Айтиш мумкинки, психокоррекциядан кейин спортсменнинг чалғитувчи омилларга бардошлилиги ижобий томонга ўзгарган.

Натижаларнинг дисперсион таҳлилда аниқланган ишончлилик даражаси:

$$(F= 7,044; p<0,001).$$

«Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш» (И.П. Волков) услуби бўйича ўтказилган психокоррекция чораларидан кейин спортчиларда эмоционал компонентнинг кучайиши кузатилди. Бу ҳам мусобақаларда натижавийликни оширишга ёрдам берадиган муҳим компонентлардан биридир (9-жадвал).

**«Стартолди ҳолати»нинг психокоррекциядан олдинги ва кейинги
натижалари**

	Ўртача қиймат	N	Стандарт оғиш	Студент t мезони	Ишончлилик даражаси
Коррекциядан олдинги чалғитувчи омилларга бардошлилик	43,9000	40	6,16358	7,044	,000
Коррекциядан кейинги чалғитувчи омилларга бардошлилик	31,0250	40	11,00929		
Коррекциядан олдинги эмоционал компонент	24,7500	40	2,04751	-3,099	,004
Коррекциядан кейинги эмоционал компонент	25,6500	40	2,52729		
Коррекциядан олдинги когнитив компонент	25,2000	40	3,89082	-2,583	,014
Коррекциядан кейинги когнитив компонент	26,7250	40	2,66013		

Дисперсион таҳлилда натижаларнинг ишончлилик даражаси аниқланди:
($F = -3,099$; $p < 0,001$).

Маълумки, «Ўзининг стартолди ҳолатини баҳолаш» (И.П. Волков) методида когнитив компонент спортчининг фикрлаш йўналишини характерлайди, бунда спортчи ўзининг сезгилари, ҳис-туйғулари ва фикрларини таҳлил қилади. Спортчи ўзининг эмоционал ҳолатини қанчалик тўғри баҳолай олса, унинг мусобақалардаги натижалари шунчалик юқори бўлади. Тадқиқотимиз психокоррекциянинг ушбу компонентга ҳам ижобий таъсир кўрсатишини исботлади (9-жадвал).

Дисперсион таҳлилда мазкур натижаларнинг ишончлилик даражаси аниқланди:

($F = -2,583$; $p < 0,001$).

«Хавотирлик даражасининг ҳолатини аниқлаш» (Ч.Д. Спилбергер, Ю.Л.Ханин) услубининг шахсий хавотирлик шкаласи бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган 10-жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, коррекциядан кейин хавотирлик пасайганлиги яққол сезилади. Хавотирликнинг пасайиши эса ўз навбатида спортчиларнинг мусобақалардаги натижаларини яхшилашга ёрдам беради.

Дисперсион таҳлилда натижаларнинг ишончлилик даражаси аниқланди:
($F = 4,776$; $p < 0,001$).

Жадвалда кейинги шкала бўйича олинган натижалар ҳам берилган бўлиб, коррекциядан кейин ситуатив хавотирликнинг ҳам сезиларли даражада пасайганини кўриш мумкин. Бу ҳам спортчининг мусобақадаги натижаларини яхшилашга ўз таъсирини кўрсатади (10-жадвал).

Дисперсион таҳлилда натижаларнинг ишончлилик даражаси:
($F = 7,990$; $p < 0,001$).

**Хавотирлик даражасининг ҳолатини аниқлаш услубида
психокоррекциядан «олдинги ва кейинги» натижалар**

(Ч.Д. Стилбергер, Ю.Л. Ханин)

Шахсий хавотир

	Ўртача қиймат	N	Стандарт оғиш	Студент t мезони	Ишончлилик даражаси
Коррекциядан олдинги шахсий хавотир	33,5750	40	9,91990	4,776	,000
Коррекциядан кейинги шахсий хавотир	24,7000	40	5,22911		
Коррекциядан олдинги ситуатив хавотир	38,3250	40	9,91344	7,990	,000
Коррекциядан кейинги ситуатив хавотир	23,6500	40	4,20957		

Хулоса қилиб айтсак, психокоррекция чоралари қаратғчи спортчиларнинг психологик тайёрлигига ижобий таъсир қилган бўлиб, буни дисперсион таҳлил натижалари ҳам тасдиқлаб турибди.

ХУЛОСА

1. Мусобақа фаолиятининг мотивацияси билан спортчиларнинг реакция тезлиги ўртасида салбий корреляция мавжуд бўлиб, у мусобақа мотивацияси қанчалик юқори бўлса, спортчиларнинг мусобақадаги реакция тезлиги шунчалик паст бўлишлиги билан изоҳланади.

2. Спортчининг чалғитувчи таъсирларга бардошлилиги ва реакция тезлиги орасида ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб, у спортчини ўз-ўзини қўлга ола билиш қобилияти юқори эканидан далолат беришлиги билан аниқланади.

3. Спортчи ўзининг эмоционал (хиссий) ҳолатини қанчалик тўғри баҳолай олса, унинг мусобақалардаги реакция тезлиги шунчалик юқори бўлишлиги билан исботланади.

4. Спортчиларнинг диққати курашчининг қатъиятига салбий таъсир этишлиги билан изоҳланади.

5. Спортчиларнинг диққат-эътибори билан когнитив компонент ўртасида салбий корреляция мавжуд бўлиб, у қанчалик ривожланган бўлса, спортчининг диққат-эътибори шунчалик паст бўлишлиги билан изоҳланади.

6. Спортчининг шахсий безовталиги билан мусобақа мотивацияси ўртасида ижобий боғлиқлик бўлиб, у кўпчилик мураббийлар ва спорт психологлари шахсий хавотирини мусобақалар пайтида бартараф қилишга уринишининг аксини кўрсатиши билан аниқланади.

7. Мусобақалардаги мураккаб шароитларда асосий психологик механизмларнинг барқарорлиги сифатида қаралаётган психик бардошлилик бир неча таркибий қисмлардан иборат бўлиб, бу сифатлар қанчалик юқори бўлса, спортчининг қатъияти ва иродаси шунчалик ривожланган бўлишлиги билан характерланади.

8. Спортчининг жисмоний компоненти билан унинг қатъияти ўртасида ҳам ижобий корреляция мавжуд бўлиб, жисмоний (тана-феъл) компоненти спортчининг ҳаракат фаоллигини ҳамда мушак ҳисларини ифодалаши билан аниқланади.

9. Спортчиларни дунёқарашни шакллантириш, аутоген машқлар, идеомотор машқлар, «оптимал жанговар ҳолат»га киришиш учун вербал гипносуггестив таъсир ўтказиш, каби психокоррецион усуллар дастури спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарликнинг бир қатор психологик компонентларига ижобий таъсир қилишлиги билан изоҳланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ
ЦЕНТР СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

АТАБЕКОВА КАМОЛА ГАЙРАТОВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ ГОТОВНОСТИ
КАРАТИСТОВ К СОРЕВНОВАНИЯМ**

19.00.04– Медицинская и специальная психология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.PhD/P92.

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.medsport.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Туляганова Гульчехра Кучкаровна кандидат психологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Баратов Шариф Рамазонович доктор психологических наук, профессор Арзикулов Дилшод Нейматович кандидат психологических наук, доцент
Ведущая организация:	Андижанский государственный университет

Защита состоится « _____ » _____ 2021 г. в _____ часов на заседании разового Научного совета PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (адрес: 100027, город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Олмазор, дом 6. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского научно-практического центра спортивной медицины (зарегистрирован за № _____) по адресу: 100027, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. Олмазор дом 6, тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2021 года).

А.А. Садиков
Председатель разового научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор медицинских
наук, профессор

А.Б. Солиев
Ученый секретарь разового научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор биологических
наук, с.н.с

А.А.Хаджиметов
Председатель разового научного семинара при
научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире современный спорт стал частью мировой и национальной культуры, превратившись в один из видов деятельности, в которой люди находят, реализуют и развивают свой индивидуальный потенциал. Правильно организованный спорт характеризуется четкой ориентацией на высокие достижения, исключительный уровень квалификации, повышенную работоспособность, а также на заботу о здоровье, благополучии и предотвращении травм. Вопросы (проблемы) психологической подготовки спортсменов к соревнованиям становятся объектом широкого обсуждения во всем мире. Как утверждал основоположник олимпийского движения Пьер де Кубертен, «В борьбе равных соперников побеждает психология...».¹ Он отметил, что спортсмен может быть идеально подготовленным физически, но если он не умеет «настроиться на победу», то проиграет самое главное в жизни. Именно вопрос «психологической готовности» требует разработку современных методов формирования и полного раскрытия потенциала спортсмена на соревнованиях.

Во всем мире уделяется особое внимание на изучение психологических детерминантов готовности спортсменов к соревнованиям и их физического потенциала. Уделяется особое внимание на научные исследования, направленные на применение методов повышения физической выносливости, укрепления здоровья спортсменов, улучшения физических возможностей профессиональных спортсменов; на разработку методов психологической подготовки спортсменов к соревнованиям и их применение в процессе тренировок, связанных с подготовкой спортсменов, разработка методов развития и усовершенствования навыков регулирования предстартового состояния спортсменов, обеспечение поднятия спортивной результативности на новый уровень.

В нашей стране проводится комплекс работ по воспитанию молодёжи в духе патриотизма, уважения к национальным традициям и ценностям, формированию духовно зрелого и физически здорового гармоничного поколения, защите их прав и интересов. В этой сфере, в направлении оценки современной спортивной медицины, особенно оценки функционального и психологического состояния высококвалифицированных спортсменов определены задачи, такие как «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества...»². Исходя из этого, разработка

¹ Кубертен, Пьер де // Большая олимпийская энциклопедия: В 2 т. / Автор-составитель В. Л. Штейнбах. — М.: Олимпия Пресс, 2006.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. N УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"

усовершенствованных методов укрепления здоровья спортсменов и эффективной медицинской реабилитации обретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и ПФ-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении № ПП-2821 от 9 марта 2017 года «О подготовке спортсменов Узбекистана к XXXII летним Олимпийским и XVI Паралимпийским играм 2020 года в Токио (Япония)», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и техники Республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

